




*Касби туманининг «Маймоноқ» жамоа ширкат хўжалиги жамоаси жорий йилда 320 гектар майдонга чигит эккан эди. Унинг 100 гектарида ингичка толали пахта етиштирилди.*

*Маълумки, ингичка толали пахта ўзига хос парваришни талаб қилади. Лекин шунга қарамай маймоноқлик пахтакорлар ҳар икки хил пахтадан мўлжалдагидан ҳам мўл ҳосил тўпладилар. Яқинда жамоа аҳли йиллик режани пешқадамлар қаторида уддалади. Улар мавсум охиригача 1000 тонналик хирмон уюшни ният қилганлар.*



**СУРАТЛАРДА: илғор теримчилар Мусаллам Аҳадова ва Сония Нурматова; Барот Султонов бошлиқ бригадада ҳосил кўнгилдагидай.**

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ПЕШҚАДАМЛИКНИНГ УЧ ОМИЛИ

***Тахтакўпир — Қорақалпоғистоннинг энг йирик туманларидан. Туман меҳнаткашлари 1 миллион 600 минг гектар ерда деҳқончилик қилишади, ердан ризқ-насиба ундиришади. Тахтакўпирликлар кейинги бир неча йиллар мобайнида чорвачилигу шоликорликда, айниқса, пахтачилик соҳасида яхшигина ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар.***

Жорий йилда пахта тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон туманлари орасида тахтакўпирликлар пешқадамлар сафида бўлишса, шу тумандаги «Мақпалкўл» ижара хўжаликлари бирлашмаси бу соҳада нафақат туманда, балки бутун Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб йиллик режани бажардилар.

Асосан шоликорликка ихтисослашган «Мақпалкўл» хўжалигида пахта экила бошланганига эндигина тўққиз йил бўлди. Шундай бўлса-да, хўжалик деҳқонлари ҳар йили режа ва мажбуриятларни илғорлар қаторида уддалайдилар. Жорий йилда хўжалик пахтакорлари 325 гектар майдонда деҳқончилик қилишиб, ҳосилдорликни 30 центнерга кўтаришга аҳд қилганлар. Хўш, илғорликнинг сабаби нимада, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

— Бунинг учта асосий омили бор, деб биламан, — дейди «Мақпалкўл» ижара хўжаликлари бирлашмаси бошқарувининг раиси Ерғали Сейтназаров, — Биринчидан, одамларнинг манфаатдорлиги. Дастлабки йиллари пахтани шоликор бригадаларга бўлиб берган эдик. Одамлар қийналди. Кейин пахтани алоҳида ижарачиларга бера бошладик. Қарашсаки, йиғим-теримда кунда-кунора нақд пул қўлга тегаяпти, режа уддаланса, пахта ёғи бор, кунжара... Шундай қилиб, пахтага ер сўрайдиганлар ҳам кўпайиб қолди. Хўш, иккинчидан, бизда алмашлаб экиш яхши самара бераяпти. Шолидан бўшаган ерлар сувга қонган, ҳар хил маъданларга, фойдали озуқаларга бой бўлади. Бундай ерлардан уч-тўрт йилгача пахтадан яхшигина ҳосил олиш мумкин. Ва, ниҳоят, учинчи омил агротехника. Энг муҳими, пахтага ўз вақтида ва зарур миқдорда ишлов бериш. Биргина мисол, бу йилда культивациянинг ўзини олти марта ўтказдик. Мана, натижаси.

Хўжалик ижарачиси С. Абенова ўз тасарруфидаги 2,5 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни туманда «пахта карвони» ўтказилган дастлабки кундаёқ топшириб, йиллик режани 4,5 тонна қилиб уддалаган. Т. Жумамуротова бошлиқ ижарачилар ҳам ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди.

«Мақпалкўл»ликларнинг йиғим-терим штаби хўжалик омбори ҳудудида жойлашган экан. Кўпгина жойларда нафақат ишлаб турган омбор, балки, «омборчи» деган иш штатининг ўзи ҳам қисқариб кетаётган бир пайтда, мазкур хўжалик омборида макка ҳам, жўхори ҳам, шоли ҳам, пахта ёғи ҳам мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жорий йилни 35 миллион сўмлик соф фойда билан якунлаш ҳаракатини қилаётган ««мақпалкўл»ликларнинг насибаси, сермашаққат меҳнатлари натижаси, дастурхонлари файзли, тўкин-сочин бўлишининг гаровидир.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Муносабат*

# ШУҲРАТПАРАСТЛИК ШУНДАЙ БАЛОКИ...

## УНИНГ ДОМИГА ИЛИНГАН КИМСА ПАНД ЕМАСДАН ИЛОЖИ ЙЎҚ

Ҳа, бу дардга гирифтор бўлган кишилар ўзларининг қуюшқонга сиғмайдиган ҳатти-ҳаракатлари билан, айтиш мумкинки, халқнинг нафратини уйғотади. Бамисоли билиб қўй, мени, кўриб қўй ким эканлигимни, нималарга қодирлигимни дегандек. Кишини ўйлантириб қўядиган жойи шундаки, нега бундай одамлар атрофдагилар менинг ҳақимда қандай фикрга бораркинлар,деган хаёлга бормайдилар. Етук инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзини-ўзи жиловлай олади. Ман манлик фақат яратган эгамнинг ўзига ярашади.

Бир донишманд айтган экан, шуҳратпарастлик энг кучли хоҳишдир, эй худо, мени шу хоҳишдан холос этгин, қолганларидан эса ўзим қутула оламан. Яшириб нима қиламиз, кейинги пайтларда тўйларгина эмас, балки маракаларни ҳам ҳаддан ташқари даб-дабали ўтказиш маълум доирадаги фуқаролар ўртасида русумга айланмоқда. Тўғрисини айтиш керак бундай керагидан ортиқ дабдабавозликлар ва исрофгарчиликлар кўпчиликнинг дилини ранжитмоқда.

Кишини нима қилаётганига қараб унинг кимлигини айтиб берса бўлади, деган гап бор халқ орасида. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, чинакам истеъдодли раҳбар ховлиқмай, босиқлик билан ўз мақсади йўлида қатиъят билан қадам ташлайверади. Атрофдагиларнинг юрагига чўғ ташлаб, илҳомлантириб, учраши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб, олға бораверади. Халқ олдидаги бурчини ўзи учун муқаддас деб билган раҳбар чинакамига мўъжизалар яратиш қудратига эгадир. Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, оддий ва камтар, адолатпарвар, ҳалол ва фидойи, ҳақгўй, самимий бўлиш раҳбарларимиз фазилатларига фазилат қўшади.

Афсуски, ўзини йўқотиб қўйиб, босар-тусарини билмай қолаётган раҳбарлар ҳам борлиги кўзга ташланиб қолмоқда. Манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, такаббурлик, мақтанчоқлик, таъмагирлик каби иллатлар раҳбарни раҳбар сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ерга уради. Бундайлардан эл ўзини олиб қочади.

Куни кеча матбуотда Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «М.Я. Куроловни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур ҳужжат раҳбар ходимлар зиммасидаги масъулиятни оширишда бениҳоя катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ҳужжат жамиятимизда адолат муқаддас эканлигини, мавжуд қонунлар ҳамма учун, каттага ҳам, оддий кишиларга ҳам баб-баробар эканлигини яна бир бор зўр куч билан таъкидлаб турибди. Фармонининг қуйидаги сўзларига эътибор беринг: «Оилавий тўй-ҳашамларни ўтказишда ўтакетган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйгани, эл-юрт одатларини менсимагани, раҳбарлик шаъни ва обрўсига иснод келтиргани, шахсий манфаатлари йўлида эгаллаб турган давлат лавозимини суиистеъмол қилгани учун...» Республика прокуратурасига ушбу ҳолатни амалдаги қонунчилик асосида ўрганиб, тегишли хулоса чиқариш топширилди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бу Фармон ўзидан кета бошлаган кўпгина раҳбарларни хушига келтирадиган, кўзини очадиган, ниҳоятда ўз вақтида берилган жуда фойдали ва таъсирчан доридир.

**«Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас,** — деб таъкидлаган эди Йўлбошчимиз, — **аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканлигини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб — югурадиган фидойи инсон бўлиши керак... Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак».**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар барчамизга, аввало, раҳбарларимизга бениҳоя юксак талаблар қўймоқда. Бугунги кунда барча жабҳаларда ислоҳотлар қай даражада амалга оширилиши, юксалиш суръатлари, кишиларнинг турмуш даражаси кўп жиҳатдан жойлардаги раҳбарларимизнинг етуклигига, уларнинг зиммадаги масъулиятни нечоғлик ҳис этишига бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳам катта-кичик раҳбарларимизга нисбатан талабчанлик ошмоқда. Раҳбарнинг иши, у қандай қадам ташлаётганлиги эл-юртнинг кўз ўнгида. Буни сира-сира унутмаслик лозим. Кишилар раҳбарнинг сўзига эмас, балки аввало, тутётган ишига қараб баҳо берадилар. Айтинг-айтинг, ҳеч ким эл назаридан қолмасин. Шундай экан, халқ ишончини, Юртбошимиз ишончини она сутидек муқаддас билиб, уни оқлаш йўлида ўзига топширилган соҳани равнақ топтириш йўлида чинакамига фидойилик кўрсатиш барча поғонадаги раҳбарларимизнинг виждон бурчидир.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**








**“ЎЗДУНРОБИТА”**

**қўшма корхонаси**

**бутун Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини инсоният фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломалар — Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги билан чин дилдан қутлайди.**

**Асрлар оша бу бобокалонларимизнинг қолдирган бой ижодий мерослари авлоддан-авлодга сўнмас маёқ бўлиб ўтиб боради. Жонажон Ватанимиз мустақилликни қўлга киритган шу қутлуғ дамларда меҳнатсевар халқимизга ҳар томонлама тараққий этган эркин жамият барпо қилишдек буюк ва эзгу умидларининг ушалишини тилаймиз. Ҳар бир хонадонга сиҳат-саломатлик, бахту иқбол, осуда ва фаровон ҳаёт тилаймиз!**

**ДИЁРИМИЗ БЎЙЛАБ БИЗ БИЛАН**

**UZDUNROBITA cellular**

БАЙРАМЛАРИМИЗ







# ИСТИҚЛОЛ САНАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1990 йили Наврўз кенг нишонланди. Қадим байрамимиз қайта ҳаёт топди. Халқ буни жуда яхши кутиб олди. Президент «Наврўз» халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида» махсус Фармон чиқариб, бундан кейин ҳар йили **21 мартни байрам — дам олиш куни,** деб эълон қилдилар.

1991 йили Рамазон ҳайитининг биринчи куни 16 апрелга тўғри келди. Шундан беш кун бурун махсус Фармон чиқарилиб, «Республика фуқароларига 1991 йилнинг 16 апрелида уларнинг хоҳишига мувофиқ ишга чиқмасликка ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг маъмурияти ва касаба уюшмалари билан келишган ҳолда бу кунни кейинчалик ишлаб беришга рухсат этилсин», деб белгиланди.

1991 йили Қурбон ҳайити 20 июнга тўғри келди. Бу гал дадиллик билан махсус Фармон чиқарилиб, **ҳайитнинг биринчи куни байрам — дам олиш куни,** деб эълон қилинди. Кейин бу икки диний байрамнинг биринчи куни ҳар йили нишонланадиган умумхалқ байрами — дам олиш куни бўлиб қолди ва бу 1996 йил 21 декабрида қабул қилинган «Меҳнат кодекси»нинг 131-моддасида қонунлашди.

Истиқлол арафасида фақат байрамлар эмас, умуман, республиканинг кўп муаммоларини мустақил равишда ҳал этишга ҳаракат бошланган эди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов мустақиллик эълон қилинган ўша тарихий олтинчи сессиядаги маърузаларида қилинган ишларга якуний баҳо бериб, жумладан, шундай деган эдилар: **«Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равишда ҳал этиб, етилган масалаларни ечишда Иттифоқ идораларидан сезиларли равишда олдин боряпмиз. Бу хусусда марказдагиларнинг бирортаси ҳам бизни олқишлаб қабул қилаётгани йўқ. Аксинча, гўё бу — Ўзбекистон Президентининг ўзбошимчалиги деб ҳисоблашди».**

Давлат раҳбарининг ана шундай дадил ҳаракатлари мамлакатда мустақилликнинг пишиб-етилишига олиб келди.

Ҳақиқат қиёсда очилади, деган машҳур ақида бор. Халқимизнинг истибдод йилларида Рўза ва Қурбон ҳайитларини қандай нишонлаганини бир эслайлик. Одамлар ўша куни янги либосларини кийиб чиқар эди. Лекин мозорларга бориб, яқинлари қабрини зиёрат қилиш, масжидда ҳайит намозини ўқиш қанчалар мушкулот билан амалга ошгани ёддан чиқадими?

Аксинча, бизни мустамлака ботқоғига чўктирган шўролар ҳокимият тепасига келган кунни, ҳатто Бухорони бўмбалаб, ота-боболаримиз аср-асрлаб бунёд этган шундай муқаддас иморатларни вайрон қилиб, босиб олган кунни ҳам ўзимизга байрам қилдирдилар.

Мустақил Ўзбекистоннинг бугунги байрамларини бирбир санайлик. **Жами саккиз умумхалқ байрамининг олтитаси — янги давр маҳсули. Булар — Наврўз, Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Конституциямиз куни, Рамазон ва Қурбон ҳайитининг биринчи кунлари.**

Байрамларимиздан иккитаси — халқаро аҳамиятга эга. Бу Янги йил ва Халқаро хотин-қизлар куни. Учтаси — Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз талай Шарқ халқлари орасида нишонланадиган байрамлар. Иккитаси — Мустақиллик куни ва Конституция куни мамлакатимиз истиқлоли маҳсули, соф миллий байрамларимиз.

Яна бир эътиборли жиҳат шундан иборатки, бу йил иккинчи бор Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланди. Бу Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаётган касб эгаларига давлат ва халқ ҳурмат-эҳтиромининг юксак белгиси янглиғ қадрли. Бу бизнинг маънавият ва маърифатга муносабатимизни кўрсатиб турибди.

Мустақиллик куни ва Наврўзни нишонлашда шунчалар катта тажрибалар тўпландики, биз дунёга байрамларимизни қанчалар тантаналар билан ўтказа олишимизни ҳам кўз-кўз қилдик. Шу билан бирга, байрамлар фақат шодиёна эмас, миллат руҳи тикланаётгани, халқ қадр-қиммати эъзозланаётгани ифодаси ҳам. Бу тантаналардаги тажрибалар, шаклланиб бораётган анъаналар бошқа шунга ўхшаш маросимларимизни ўтказишда ҳам қўл келяпти.

Юртбошимизнинг ҳали Истиқлолдан олдин — 1991 йили Наврўзни нишонлаш арафасида қабул қилган Фармонларидаёқ **«ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш», «инсонни улуғлаш, миллий ғурурини кўтариш»** деган жумлаларга дуч келамиз. Бу бежиз эмас эди.

Эсингизда борки, **1991 йил мамлакатимизда Навоий йили деб эълон қилинган эди.** Мустақилликка эришганимиздан кейинги дастлабки ойда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги ниҳоятда кўтаринкилик, озодлик ва эрк тантанаси руҳида ўтказилди. Шоир тўйи чинакамига мустақиллик байрамига уланиб кетди, десак, хато бўлмас. Чунки миллий давлатига эга бўлган бир халқ сифатида шундай улуғ зотнинг вориси эканимиз билан дил-дилдан фахрландик. Бу ҳаммамизга ўзгача бир кайфият улашди.

1993 йил 31 августда Тошкентда салобатли Амир Темур ҳайкали очилди. Кўп ўтмай — 17 сентябрда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Бу тантана халқ онг-шуурида миллий руҳиятимизга қайтаётганимизни муҳрлаб борди. Миллий меросимиз, хусусан, улуғ зотлар ҳаёти ва фаолиятига қизиқишимиз доираси кенгайди. Биз йиллар мажбуран хотирамиздан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинган бўшлиқларни тўлдира бошладик. Тасаввуф бугун миллий мафкурамиз, маънавиятимиз равнақи учун жуда-жуда зарур бир таълимот экани ойдинлашди. Чунки ота-бобомиз қадрлаган, интилган, амал қилган комил инсон ғояси биз учун ҳам азиз.

Ўзбекистон Президентининг Фармони билан **1994 йил — Улуғбек йили деб эълон қилинди.** Шу йилнинг кузида давлат арбоби ва буюк олим таваллудининг 500 йиллиги нишонланди.

1995 йили 1941-1945 йиллардаги урушда қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланди. Бу билан, биринчидан, биз — ўзбекистонликлар ҳам Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, дунёда тинчлик ўрнатилишига ҳисса қўшганимизни, иккинчидан, биз бугун ҳам ҳар қандай ёвуз кучларга, инсоният равнақи йўлидаги ҳар қандай тажовузларга қарши туришимиз, ҳамиша тинчлик тарафдори эканимизни яна бир карра тасдиқлаган бўлдик. Чунки уруш — ўз номи билан уруш. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли бир аъзосига айланган Ўзбекистон ҳеч қачон уруш тарафдори эмас ва у тинчлик учун курашда мудом иштирок этаверади.

**1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши, ўша йилнинг кузида буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши** биз кимларнинг ворислари, қандай буюк давлатчиликка эга халқ эканимизни, аввало, юрак-юракдан ҳис қилишимиз, қолаверса, буни жаҳонга баралла айтишимиз учун асос берди. Шу тариқа, Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳақидаги ғоя мустаҳкам заминга эга бир орзу эканлиги билинди. Йиллар мустамлака зулмидан жабр кўрган, руҳи синиқаётган халқнинг кўкрагини кўтариши, ўзида куч ва ғайрат ҳис этиши учун бундай тадбирлар қанчалар зарур эканини ҳали йиллар ўтгани сари янада теран англаб бораверамиз.

Бухорода Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд саналари нишонланган 17 сентябрь «Баҳоуддин куни», Самарқандда Амир Темур таваллуди санаси нишонланган 18 сентябрь «Самарқанд куни» бўлиб қолди. Яъни, халқ ўша тантаналар ўтказилган кунни кейинги йиллар ҳам нишонлашни одат қилди.

Бу Президент юргизаётган сиёсат халқ сиёсатига айлана бораётганини кўрсатади. Давлати — халқига, халқи — давлатига қайишган мамлакатлардагина тараққиёт авж олади.

...Алишер Навоий йили, Мирзо Улуғбек йили, Амир Темур йили.

Истиқлол даврида шуни пухта англадик ва ҳис этдикки, Соҳибқирон Амир Темур асос солган давлат халқимизнинг мисли кўрилмаган миқёсларда равнаққа эришгани, жаҳоннинг ўша пайтдаги энг юқори чўққиларига чиққани эди. Бугун ҳам биз ана шундай поғоналарни мўлжал қиляпмиз. Бунга ҳаққимиз ҳам, имкониятимиз ҳам бор. Буни биз мақтаниш, ўзимизни кўз-кўз қилиш учун эмас, ҳаётимизни яхшилаш, мамлакатимизни обод этиш мақсадида ният қиляпмиз, бунга дадил ҳамда астойдил интиляпмиз.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги Парижда — ЮНЕСКО қароргоҳида ҳам катта тантана қилинган эди.

Мамлакатимизда байрамлар байрамларга уланди. Ўтган йили, хабарингиз бор, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонладик. Бу икки бобо шаҳримиз тўйи Парижда — ЮНЕСКО қароргоҳида ҳам байрам қилинди.

Бухоро ва Хива тўйи тантаналарида иштирок этиш учун кўплаб мамлакатлардан меҳмонлар, мутахассис олимлар келди. Бу фақат Бухоро ва Хиванинг эмас, бутун Ўзбекистон, қолаверса, умумбашар маданияти байрамига айланиб кетди.

Мустақиллик, Наврўз байрамларида шаклланган театрлаштирилган дастурлар шунчаки концертлар эмас. Уларда халқ руҳи, унинг бой ўтмиши ва сермазмун бугуни, порлоқ келажаги акс этди. Бу тантаналар халқнинг руҳини ифодалаб, мамлакатнинг юрак уришини билдириб турди. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган, юксак чўққиларга кўтарилган, кейин мустабидлик кунларини бошидан ўтказа-ўтказа, сўнг ўз истиқлолига эришган халқ кўнглида ўзгача бир фахр, кўтаринкилик, ишонч, бунёдкорлик туйғулари жўш уриши жуда табиий. Байрам дастурлари мазмун-моҳиятида шу ётади. Бу, айниқса, Бухоро ва Хива тўйларида яққол сезилди.

Бухородаги тантаналар кунлари боболаримиз яратган ғиштин эртаклар, яъни асрий обидалар оралаб юриб, ҳамкасбимиз — Германия Федерал ҳукумати Матбуот ва ахборот бошқармаси ташқи алоқалар бўлими бошлиғининг муовини доктор Райнхард Шварцер билан танишдик. Бу серзавқ қаламкаш юртига бориб етгани заҳоти Ўзбекистондан, айниқса, Бухоро ва Хива тўйларидан олган беадад таассуротлари заминида туғилган ҳис-ҳаяжонларини шеърга солиб, факс орқали йўллабди. «Жаҳон» Ахборот агентлиги таржимони Маҳмуджон Бобоназаров бир пастда уни ўзбекчалаштирди:

*Кўзларингда*
*донолик порлар,*
*Мангу ёғду юрти*
*— эй Ўзбекистон!*
*Ҳатто, зовур ичра*
*ҳув қамишзорлар*
*Буюк зотлар номин*
*шивирлар, ишон.*
*Гумбазларинг эса*
*ўпар осмонни*
*Лол қолдириб*
*жумла жаҳонни...*

Бу — ғарблик бир холис меҳмоннинг кўҳна шаҳарларимиз йигирма беш асрлик тўйидан олган таассуротлари.

Энди бир тасаввурга келтирайлик. Тўйга тайёргарликлар даврида амалга оширилган оламшумул ишлар, бунёд этилган янги иморатлар, таъмирланган обидалар, обод қилинган йўллар, кўчалару майдонлар, босилиб чиққан китоблару альбомлар, «ойнаи жаҳон»дан миллион-миллион халққа кўрсатилган томошалар...

Биз — катталарни қўя турайлик, бу тантаналар истиқлол фарзандлари — болаларимиз мурғак қалбларига қандайин ёниқ чўғлар ташлаётганини ким олдиндан башорат қилиб айта олади? Бу чўғлар ҳали аланга олади, ёнган бу ёғдулар юртни, эл-улус қалбини қанчалар эритади, чароғон қилади.

Байрамларимизни ўтказиш учун сарфланган ҳар бир меҳнат, иншооллоҳ, улуғ-улуғ самаралар беради.

Хивада руминиялик Николаеску Мирча ва Сэу Михаи деган жаноблар билан танишиб қолдик.

— Руминияни-ку биз биламиз. Сизларда Ўзбекистонни яхши биладиларми? — деб сўраймиз улардан.

Меҳмонлардан бири жавоб ўрнига сумкасини ковлаб, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг румин тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобларини бизга тақдим этади...

Очиқроқ гаплашайлик. Бир пайтлар хорижда бирон юртдошимизнинг тўрт қатор шеъри ё шапалоқдай мақоласи чиқса, дўппимизни осмонга отар эдик. Бугун талай хорижий давлатларда Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатни қандай йўллар билан келажак сари етаклаётгани қизиқтиряпти. Улар халқимиз ўқисин-билсин деб, Ислом Каримов китобларини таржима қилиб, чоп этяпти.

Байрамлар байрамларга уланиб кетаверади...

Биз ҳозир тайёргарлик кўрилаётган, яқин келажакда нишонланадиган «Алпомиш»нинг яратилгани, Жалолиддин Мангуберди, Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллуди тўйларига тўхтаб ўтирмаймиз. Етти йилда бошқа шу каби саналарни қандай нишонлаганимиз ҳақида ҳам сўзламадик.

Бироқ кузимизнинг шу ҳафтаси байрамлар ҳафтаси бўлаётганини алоҳида қайд этиш керак. Ўтган куни Тил байрами — тилимизга давлат тили мақоми берилган кунининг тўққиз йиллигини нишонладик. Бугун Самарқандда Имом ал-Бухорий тўйлари бошланди. Эртага Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудларига бағишланган тантаналар бўлади.

Буларнинг бариси — Ўзбекистонда ўта изчил ва чинакамига миллий сиёсат юргизилаётганидан далолат. Буларнинг бари халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга қаратилган.

Яна шуни таъкидламоқчимизки, юрти тинч, кўнгли хотиржам, ишлари баравж халққина байрам қилади. Байрамларимиз бизнинг ҳаёт тарзимизни белгилаб турибди. Бу билан биз олдимизда турган вазифалар, дуч келинаётган мушкулотларни енгишга қодир халқмиз, демоқчи ҳам бўлаётганимиз рост.

Аслида ҳам шундай. Байрамлар бизга кайфият улашади. Кайфияти баланд халқ учун ҳеч бир тўсиқ писанд эмас.

**Султонмурод ОЛИМ**



*Балиқчи тумани маданият уйи қошидаги «Тарона» ашула ва рақс ансамбли фаолиятида яқинда қувончли воқеа рўй берди: унинг меҳнати муносиб қадрланиб халқ ансамбли мақоми берилди. Ансамблда 50 нафардан зиёд турли касб эгалари иштирок этишади. Улар вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган турли танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда.*

*«Тарона» репертуари халқчил ва ранг-баранг. Унинг мухлислари кундан-кун кўпайиб бораётганлигининг асосий боиси ҳам ана шунда.*

**Суратда: ансамбль аъзолари – Таваккалжон Қўзиев ҳамда Ҳусниддин Расулов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ТИЛГА ЭЪТИБОР...

20 октябрь куни Тошкент Электротехника ва Алоқа институтида «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзусида кеча бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг кўзга кўринган фан арбоблари иштирок этишди. Республика «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази» бўлим бошлиғи Турсуной Содиқованинг ўзбек тилининг улуғворлиги ҳақида қилган маърузаси кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, кечада Юнусобод туманида жойлашган барча олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчилари ва боғча кичкинтойлари ҳам ўзларининг бадиий дастурлари билан иштирок этишди.

**Гулчеҳра САИДИЙ**


## “ПАХТА-БАНК” АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ “ПАХТА-БАНК” АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗАДИ

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *ИАТ “ПАХТА-БАНК” бошқаруви раиси ва кенгаши раисининг банк иши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.*
2. *ИАТ “ПАХТА-БАНК” Низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.*
3. *ИАТ “ПАХТА-БАНК”кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.*
4. *ИАТ “ПАХТА-БАНК” кенгаши янги таркибини тузиш тўғрисида.*
5. *ИАТ “ПАХТА-БАНК” ижро этувчи органини ёллашни контракт тизимига ўтказиш ҳақида.*
6. *ИАТ “ПАХТА-БАНК”нинг ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.*
7. *ИАТ “ПАХТА-БАНК” бошқаруви таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.*
8. *ИАТ “ПАХТА-БАНК”нинг эълон қилинган акциялари миқдорини кўпайтириш ҳақида.*

**Йиғилиш 1998 йил 2 декабрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг катта мажлислар залида ўтказилади.**

Манзил: Тошкент ш., “Ўзбекистон” шоҳкўчаси, 45-уй.

Йиғилиш қатнашчилари 1998 йил 2 декабрь куни эрталаб соат 8.30 дан 9.45 гача Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси биносида рўйхатга олинадилар.

Қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари: 78-10-94, 77-91-66, 77-91-44.

ИАТ "ПАХТА-БАНК" манзили: Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43-уй.

“ПАХТА-БАНК” кенгаши

LL@1109


## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда республика ўсмир ва ёшлар ўйинлари мусобақаси бўлиб ўтди. Унда айниқса Турон миллий ўйини қатнашчиларининг чиқишлари мутахассислар-у ишқибозларда катта таассурот қолдирди. Қизлар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда Лутфия Анакаева, Комила Орастаева, Анастасия Таратухина, Сузанна Аҳмедова, Ольга Максимовалар ғолиб деб топилди.

Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда эса Деловер Асанов, Фариддин Мустафоев, Жасурбек Жуманов, Негмат Қурбонов, Муҳиддин Маҳмудов, Армен Арустамов, Марат Ҳусаиновлар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

**Дилдора ҲАЙТМЕТОВА, ТошДУ талабаси.**

*Қўшхабар*

## ОРЗУСИГА ЕТДИ

Жиззах вилоятида ҳокимлиги уйидан фойдаланиш бошқармаси ходими Орифжон Набиев ҳам бошқалар қатори меҳнат таътилини биронта санаторий ёки дам олиш уйида ўтказишни орзу қиларди. Бироқ, йўлланманинг нархи осмонда. Омадни қарангки, унинг орзуси ушалди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари ўртасида ўтказилган мини футбол мусобақасида энг яхши дарвозабон деб тан олинди.

Соврин билан бирга Орифжонга дам олиш уйига бепул йўлланма ҳам ажратилди.

## УЧИНЧИ БОР ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ

Мазкур вилоятда қишлоқ спортини ривожлантиришга





алоҳида аҳамият берилмоқда. Баҳор пайтида ўн бешта футбол жамоаси икки гуруҳга бўлиниб ўзаро беллашган эдилар. Мусобақа шартига кўра ҳар гуруҳдан учта кучли жамоа финалга йўлланма олди. Мана, кузга келиб ана шу сараланган олтилик 1998 йилги вилоят чемпионини аниқлаш учун Зомин тумани ўйингоҳига тўпландилар.

Вилоят футбол федерацияси масъул котиби Саҳоб Хўжаевнинг маълум қилишича, финал мусобақалари ўзига хос жозибали курашлар остида ўтди. Зўр барибир зўр, унга бас келиш қийин. Майдон эгалари бўлган «Зомин» жамоаси ўйинчилари ҳар бир учрашувда бирбирига ўхшамайдиган чиройли ўйинлар кўрсатиб учинчи марта вилоят чемпиони деган шарафли номга эга бўлдилар. Вилоят еттинчи чемпионатининг энг яхши ҳужумчилари деб «Зомин»дан Фурқат Файзиев, Зафаробод туманининг «Зафар» жамоасидан Улаш Ўралов, Жиззах туманидаги «Наврўз» жамоасидан Шавкат Холматовлар тан олиндилар. Улар мавсумда дарвозаларга ўн беш, ўн еттитадан тўп киритдилар.

Энди «Зомин» биринчи лигага чиқиш ниятида ноябрь ойида Чирчиқ шаҳрида бўладиган республика турнирида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0413, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Қ. НОРҚОБИЛ.
Навбатчи — Н. МУСОМОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.40*
1 2 3 4 5 6